



ҚАРОРИ

ҚАРАРЫ

Нужное число	Число календы
№ 380	« 10 » июн 2017 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июндаги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 364-сонли қарори ҳақида

Фуқароларнинг виждон эркинлиги ва диний эътиқодга бўлган конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш, “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июндаги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 364-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан:

а) “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом иловасига мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига борадиган фуқаролар рўйхатининг ҳолисона ва ижтимоий адолат мезонлари асосида шакллантирилишини ҳамда муқаддас зиёратларни ташкил қилишда белгиланган тартибга қатъий риоя этилишини таъминлаш топширилганлиги;

в) Фуқароларнинг “Умра” сафарига боришлари учун янада кенг имкониятлар яратиш мақсадида 2018 йилдан бошлаб ҳар йилги “Умра” сафари квотаси олти мингдан ўн мингга оширилганлиги;

г) “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, уларнинг аввалги манзили бўйича навбати сақланиб қолиши белгилаб қўйилганлиги;

д) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига борадиган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг барча бўлиқларини (рухий-асаб, нарқологик, тери-таносил, сил касалликлари юзасидан тиббий кўрик, эмлаш ва бошқаларни) Қорақалпоғистон Республикаси

ва вилоятлар марказларида, шунингдек Тошкент шаҳрида марказлаштирилган ҳолда битта тиббиёт муассасасида бепул амалга оширишни таъминлаши;

е) “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясига авиақатновларида фуқароларнинг “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига бориш-келишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мазкур тадбирлар учун авиачипталар нарҳини арзонлаштириш чораларини кўриш топширилганлиги;

ж) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг расмий веб-сайтида “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига борадиган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбат тизимини шакллантирилишини ва мазкур онлайн тизимини доимий равишда янгиллаб борилишини таъминлаши;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ташкилий гуруҳлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган зиёратчиларнинг рўйхати асосида уларни “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига борадиган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбат тизимида рўйхатдан ўтказиб бориши белгилаб қўйилганлиги;

туман (шаҳар)лардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳозирги вақтга қадар мазкур ўзини ўзи бошқариш органларда навбатда турган зиёратчиларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, хатлов натижалари бўйича тасдиқланган рўйхатларни туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ташкилий гуруҳларга тақдим этиш топширилганлиги;

з) ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги Ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳайъатлар билан биргаликда ҳар йили “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига борадиган фуқаролар квотасининг рўйхатда турган фуқароларнинг умумий сонидан келиб чиқиб, мутаносиб равишда тақсимланишини таъминлаши;

и) ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги Ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳайъатларга “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари ҳамда “Ҳаж” ва “Умра” сафарларига борадиган фуқароларнинг квотаси ва унинг ҳудудлар бўйича тақсимоли ҳақида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бурсинлар. “Ҳаж” ва “Умра” зиёратлари билан боғлиқ тадбирлар, Ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилишига, хусусан “Маҳалла” телеканали имкониятидан кўпроқ фойдаланишга эътибор қаратиш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳайъат таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.


4. Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари:

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига борадиган фуқаролар рўйхатининг ҳолисона ва ижтимоий адолат мезонлари асосида шакллантирилишида ҳамда муқаддас зиёратларни ташкил қилишда белгиланган тартибга қатъий риоя этилишини;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ташкилий гуруҳлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган зиёратчиларнинг рўйхати асосида уларни “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига борадиган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбат тизимида рўйхатдан ўтказиб борилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Алеуов зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси **К. Сариев**



Вазирлар Кенгашининг
2017 йил « 10 » июндаги
380 -сонли қарорига
илова

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳайъат
ТАРКИБИ

1. М.Алеуов - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, ҳайъат раиси
2. Ш.Баўатдинов - Қорақалпоғистон Мусулмонлари қозиеги қозиси, ҳайъат аъзоси
3. Б.Тулепов - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, ҳайъат аъзоси
4. Д.Ходжиев - Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, ҳайъат аъзоси
5. Ғ.Раджапов - Нукус халқаро аэропорти директори, ҳайъат аъзоси
6. Х.Файзуллаев - Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармаси бошлиғи, ҳайъат аъзоси
7. З.Ибрагимова - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳайъат аъзоси
8. Т.Романов - “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҚР бўлими раиси, ҳайъат аъзоси
9. Ш.Уснатдинов - “Нуроний” жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси, ҳайъат аъзоси

Изоҳ: Ҳайъат аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг ўрнига шу лавозимдаги масъул ходимлар киритилади.

